

# **Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда ўтказилиши режалаштирилаётган илмий ва илмий-техникавий анжуман**

## **АСОСНОМАСИ**

**1. Анжуманинг мавзуси:** Таълим жараёнида талабаларнинг ижодкорлик қобилятларини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва ечимлари.

**2. Анжуман мақоми:** Республика миқёсидаги илмий анжуман.

**3. Илмий ва илмий техник анжуманни ўтказиш учун асос бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ёки бошқа манбалар.**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 17 февралдаги ПФ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-№2909 Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Илмий – инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш механизмларини яратиш чора тадбирлари тўғрисидаги” 2019-йил 8-май куни Ўзбекистон Республикаси Ш.М.Мирзиёевнинг ПҚ-4312 қарори асосида ўтказилади

**4. Анжуманинг илмий йўналиши, мақсади ва вазифалари:** Мазкур анжуманинг илмий йўналиши қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ОТМ ва ХТМ муассасаларида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ўқувчи-талабаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий ва эстетик ривожлантириш шароитларини яратиш; ОТМ ва ХТМ сифатини ошириш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш имкониятини яратади.

**5. Муҳокама қилинадиган муаммолар:** Анжуманда таълим жараёнида талабаларнинг ижодкорлик қобилятларини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинади ҳамда ечимлар берилади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси миқёсида таълим тизимини ривожлантиришнинг иннаватцион-педагогик йўналишларидаги шаклланиш шарт-шароитлари, келиб чиқиши, асосида ўзаро маданий таъсир ва уларнинг моддий маданиятда акс этиши масаласи, ўзаро алоқаларнинг инновацион тарзда намоён бўлиши масаласи муҳокама қилинади ҳамда ечимлар муҳокама этилади.

**6. Ўтказиладиган анжуманинг Давлат илмий-техник дастурлари, халқаро илмий ҳамкорлик дастурлари билан боғлиқлиги.** Анжуман Ўзбекистон Республикаси Давлат илмий-техник дастурлари, халқаро илмий ҳамкорлик дастурлари (ЎзР ФА педагогик тадқиқотлар Институти, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги) билан боғлик.

**7. Анжуман натижаларидан кутилаётган илмий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик.** Анжуман натижаларидан кутилаётган илмий, ижтимоий самарадорлик: Республика миқёсидаги ОТМ ва ХТМ таълим ташкилотларининг ўзаро тажриба алмashiши юзасидан олиб борилаётган илмий-амалий ишларида ва иннаватцион-педагогик фаолиятларида уларнинг ўзаро алоқадорлигини асословчи қўплаб янги ОТМ ва

ХТМ таълим техналогияларига асосланган манбалар қўлга киритилмоқда. Шу боис бу соҳадаги қашфиёт, ютуқлар, кузатилаётган муаммолар ва истиқболнинг белгилаб олиниши кутилаётган илмий самарадорликни изоҳлайди. Шунингдек, бу самарадорликка тадқиқот йўналишлари ва мавзуларнинг соҳа тадқиқотчилари томонидан координация қилиб олиниши ҳам киради. Анжуман натижаларидан кутилаётган илмий самарадорликнинг яна бир қиррасини Ўзбекистон Республикаси вилоятларининг ОТМ ва ХТМ намоён бўлганлигини кўрсатиб беришлик ҳам ташкил этадики, бу жиҳатлар вилоятларда мавжуд бўлган ОТМ ва ХТМ ташкилотларининг илмий-инновацион-педагогик ўзаро алоқаларини ёритиб беради. Анжуман натижаларидан кутилаётган ижтимоий самарадорлик анжуман материаллари таълим, маънавий-марифий, тарбиявий ишларда қўлланилиши, шунингдек, монографик тадқиқотлар, илмий-оммабоп рисолалар тайёрланишида фойдаланиши билан изоҳланади.

**8. Илмий-назарий анжуманда ёш олимлар, мутахассислар, докторантлар ва магистрларнинг иштирок этиши.** Илмий анжуманда Республикашимиз миқёсида соҳа мутахассислари, ёш олимлар, Илмий тадқиқот институтлари, Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ёш олимлари, докторантлари, магистрант ва иқтидорли талабалар иштирок этишади.

**9. Анжуманни ўтказиша республикада мавжуд соҳа ташкилотларнинг иштироки.** Анжуманда ЎзР ФА педагогик тадқиқотлар Институти, Халқ таълими ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, муҳандислик графикаси кафедралари, Республикашимиз миқёсидаги олий таълим муассасаларидан муҳандислик графикаси йўналишида тадқиқот олиб бораётган мутахассислар иштирок этишади.

**Илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректор**

**Х.Хушвақтов**